



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

- **Х.Музаффарова,**
ЖДПИ, Дефектология кафедраси ўқитувчиси
- **М.Юнусов,**
Дефектология йўналиши магистранти

Ахборот технологияларининг тезкорлик билан ривожланиши натижасида мультимедиа технологияси яратилди ва турли соҳаларда қўлланила бошланди. МТМлари таълим – тарбия жараёнида мультимедиа технологиясидан фойдаланишни амалга ошириш учун аввало, мультимедиа тўғрисида асосий тушунчаларни қараб чиқамиз.

Мультимедиа атамасининг луғавий маъноси [мултум+медиум] (ёки [ингл. мульти+медиа]) каби иккита сўз йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, мульти – кўп, медиа – муҳит маносини англатади. Атама илмий ва ўқув адабиётларида кўп воситалилик, мультимедиа мухити, кўп қатламли мухит, мультимедиа – биттадан кўп бўлган медиадир, маҳсулот ташувчи восита, маълумот ташувчи восита каби талқин қилиниб келинмоқда, хатто, айрим адабиётларда ҳозиргача мультимедиа атамасининг аниқ таърифи мавжуд эмаслиги ҳам эътироф этилган. Ҳозирги даврда мультимедиа атамаси кўп киррали булиб, турли хил тушунчаларни ифодалашга татбиқ этилиб келинмоқда. Масалан, мультимедиа технологияси; мультимедиа маҳсулоти; мультимедиа компьютар; мультимедиа дастури; мультимедиа дидактик воситаси ва бошқалар шулар жумласидандир [1].

Мультимедиа тушунчасининг адабиётларда ёритилган бир нечта таърифни келтирамиз:

- мультимедиа, деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади;
- мультимедиа – бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида ахборотнинг анъанавий ва оригинал турлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир;
- мультимедиа – гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир.

Мультимедиа – бу махсус технология бўлиб, дастурий ва техник моддий таъминот асосида компьютарда бир вақтнинг ўзида матнли, тасвирий ахборотни товушли ва ҳаракатли ҳолда (ҳаттоки видеофильм ҳолатида) ифодалаш имкониятидир [3].

Мультимедиа – тасвирли маълумотлар билан ишлашга кодир бўлган восита ҳисобланади. Одатда, мультимедиа деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади. Мультимедиа – компьютар тизимида матн, товуш, видеотасвирни ва турли анимацияларни мужассамлаштириш имконини берувчи замонавий ахборотлар технологиясидир.

1986 йилда Амида компьютарида биринчи марта махсус роликда товуш (музыка) билан биргаликдаги анимация эффекти намойиш қилиниб, мультимедианинг шаклланиши ниҳоясига етказилди ва бу йиғилишда тўлақонли мультимедиа технологияси яратилгани эътироф этилди. Шундай қилиб, 1986 йил расмий равишда мультимедиа яратилган йили ҳисобланади.

Ҳозирги даврда мультимедиа ахборот технологияси қисқача мультимедиа технологияси деб юритилади. Мультимедиа технологиясининг бир нечта таърифлари мавжуд. Жумладан, Мультимедиа технологияси – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) самаралари асосида ўқув материалларини тарбияланувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган кўринишидаги технологиясидир. Шундай қилиб, тўла мультимедиа – матн, аудио, видео, тасвир, графика, жадваллар ва бошқа турларининг йиғиндисидан иборат. Шунини таъкидлаш керакки, мультимедиа ахборот (материал) шакллантирилиши учун унинг камида учта элементар (нутқ, тасвир ва анимация) қатнашиши шарт. Масалан, радио эшиттиришда бериладиган ахборот ёки телекўрсатувларда кўрсатиладиган овозсиз тасвирлар ёки тарбиячи томонидан анъанавий метод (изоҳли-кўргазмали метод, бўр-доска усули) дан фойдаланиб? ўрганиладиган материалларнинг баён этилиши мультимедиа технологиясидан фойдаланиш бўла олмайди.

Ҳозирги даврда мультимедиа технологиясидан кўп соҳаларда, жумладан, молия, иқтисодиёт, фан, таълим, маданият, ижтимоий соҳалар, маиший соҳалар, реклама, компьютер ўйинларида фойдаланилмоқда. Шунингдек, фирмаларда тақдимот ва маҳсулотларни реклама қилишда фойдаланилади. Айниқса, банкларнинг операцион залларида, кўрғазма ва ярмарка залларида, автосалон, саёҳат бюроси, аэропорт ва темир йўл вокзалларининг залларида реклама ахборотлари тўғрисида кенг кўламда маълумот берилади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда, турли муассасаларда, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида, архивлаштиришда, музейларда ва бошқа жойларда қўлланилади [2].

Шу билан бир қаторда, кўпгина мутахассислар замонавий технологияларнинг аҳамиятини идеаллаштиришдан узоқдалар ва ҳатто улардан фойдаланишни шубҳа остига оладилар. Масалан, япон педагоги С. Судзуки, бир томондан, ЭҲМ ўқувчиларнинг тафакқурини ривожлантиради, бошқа томондан, билимларни мустаҳкамлашни таъминлайди деб ҳисоблайди.

Француз педагоги Л. Легран ўқувчиларнинг компьютерда ишлашдаги мотивацияси ҳодисасини ўрганиб, бунда пайдо бўладиган «ўйин ўқувми ёки йўми?» деган масалани таҳлил қилишни таклиф этади. Бундан ташқари, меъёрдан ортиқ ўтказилган компьютерли машғулотлар ўқувчинини асабийлаштиради, кўз фаолиятига таъсир этади. Бу каби салбий оқибатларга олиб келишини ҳам унутмаслик зарур. Умуман, хорижий мутахассислар ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, олим, педагог ва мутахассисларни янги технологиялар соҳасидаги ҳамкорлигини назарда тутадиган замонавий ўқитиш воситаларининг таҳлиliga мажмуавий ёндашув зарурлиги бўйича бир хил фикрдалар.

Юқорида кўзда тутилган педагогик ва инновацион технологияларни тўғридан-тўғри МТМлари таълим жараёнига қўллаб бўлмайди. Шунинг учун, МТМлари таълим жараёнига мультимедиа технологиясини татбиқ этиш учун мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган, жумладан, мультимедиа компютер технологиясининг асосларини ишлаб чиқиш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган мультимедиа технология жорий анъанавий технологияларга нисбатан қуйидагилар билан фарқланади:

- болаларнинг психологик жиҳатлари;
- болаларнинг ёши (6-7 ёш);
- компьютерли машғулотнинг давомийлиги (15 дақиқа);
- материалнинг болаларга мослиги (мультимедиа шаклида);
- материалнинг ҳажми (30 дақиқага мўлжалланган);
- материалнинг мураккаблик даражаси (болалар учун содда материаллар танланади);
- уларнинг фаоллик даражалари ва ҳ.к.

Мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган мультимедиа компютер технологияси вариантыда технологик ёндашув қуйидагича кечади: МТМ боласи (тарбияланувчи) нинг ўрганиладиган материални ўзлаштиришини қулай қилиш ва осонлаштириш мақсадида материал бир-бири билан боғлиқ қисмларга, бўлақларга ажратилади, сўнгра таълимдан мўлжалланган натижа олиш учун амаллар кетма-кет бажарилиши ва лойиҳалаштирилган ишлар поёнига етказилиши кўзда тутилади. Энг муҳими, ушбу технологияда ўрганиладиган материал мультимедиа асосида тақдим этилади.

Бола миясига бундай мультимедиа таъсир натижасида боланинг ўзлаштириши кўтарилиб, машғулот самарадорлиги ошади.

Адабиётлар

1. Абдуқодиров Л.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти. //Ўқув-услубий қўлланма. – Қарши: Насаф, 2011.- 25 б.
2. Анисимова Н.С. Теоретические основы и методология использования мультимедийных технологий в обучение. // Дисс.канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2002. 17-б
3. Арипов М. Информатика ва ахборот технологияси асослари. – Т.: Университет, 2001. 36 б.